



Ислом Нури

Азиз биродарим .. Муолажа услубларидан:

Ана- манани бас қилинг!

Илтизомдаги лоқайдлик кўринишларидан яна бири «ана қиласман, мана қиласман»- деган пуч ўйлар, қуруқ ваъдалар орқасидан юришдир. Қалбимизнинг: «Куръон ёдлагин»- деган нидосига, «сал вақтим bemalol бўлсин албатта ёдлайман»- деб жавоб ҳозирлаймиз. Лекин аслида бошингиз ғамдан чиқмайди, доим “вақт” деган нарса камлик қиласди. Ўзига ўзи: «ўқишимни битириб олай шариат илмларини ўрганаманда, Аллоҳга даъват учун ўзимни бағишилайман»- дейди. Кейин аскарлик хизмати келади.

-Бу қийинчиликлар ҳам тугар ана ўшандаги албатта ўз ваъдам устидан чиқаман!

Хизматни тугатгач иш излаш ғами тушади. Уйланиш ҳам зарур, муносиб келин... Қандай топсин экан, бу қандай ҳам қийин-а?! Келин ҳам топилди. Энди уй, таъмирлаш, жиҳозлаш деган ғамлар пайдо бўлади. Ана уйланиб ҳам олди. Шу билан тугадими?! Э қайда, ахир ҳамма нарса энди бошланаябди-ку! Моддий ва ижтимой ҳолини яхшилашга уринади. Лекин ҳали ҳеч нарсага улгирмай туриб бир дунё қувончлар сабабчиси бўлмиш биринчи фарзанди дунёга келади. Кейин иккинчиси ва ҳоказо. Ахир бу фарзандлар ўзидан ўзи улғайиб қолмайдилар. Эҳе қанча ташвишлар бошдан ўтди. Ҳа бу ташвишлар умр китоби саҳифаларини бир бир қирғин қилдилар.

Хайрон қоладиган жойи гоҳи одамлар ўзларининг бу ҳолларидан норози бўлмайдилар ва чуқур бир уҳ тортиб: «бу ҳаёт тақозоси, ҳаммада ҳам шундай бўлган»- дейди. Бу нимаси ҳаёт тақозоси деб



Ислом Нури

дунёга қул бўлиб кетаверасизми? Охиратчи? Ҳаёт тақозоси нафсу-ҳаво йўлида тоат-ибодатлардан воз кечишликми?!

Азизлар..

Ишни пайсалга не-не кишиларни маҳрум қилмади. Пайсаллаш фасоднинг бошидир. Кимки бугунги ибодатларни эртага, индинга кечиктириб юришни одат қилган бўлса, у бир кун келиб бир йўла ибодатларни тарк қиласди. Шайтон авраб, орзу умидлар оғушида аллалашда давом этаверади. Ўлим эса тўсатдан келади. Қабр амаллар сандиғи.

Табук ғазотига бормаган уч саҳоба қиссасини эшитганимисиз?! Уларнинг бири Каъб ибн Молик, молдор киши эди. Қиссани унинг ўзидан эшитганимиз яхши, соҳибимиз ўз кечинмаларини биздан яхши билади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Табук шаҳрига румликларга қарши жиҳодга чиқишиларини элон қилдилар. Сафар узоқ ва душман кучли бўлгани сабабли бу жангга ҳар бир мусулмон қатнашиши фарз эканини такидладилар. Чакириқни эшитган ҳар бир киши бозорга тушиб сафар тайёргарлигини кўра бошлади. Мен ҳам ҳар куни бозорга тушиб йўл учун керакли нарсаларни олмоқчи бўлардим. Лекин бўш қайтардим. Кунлар шу зайлда тез ўтди. Ҳамма сафарга тайёр. Тонгда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмонлар билан йўлга отландилар. Мен ҳали ҳам тайёр эмасдим. Ўзимни юпатдим: «эртага, жуда бўлмаса индинга йўлга чиқаман. Ахир мен ёлғиз тез йўл босаман, етиб олишимга кўзим етиб турибди». Улар жўнаб бўлганларидан сўнг яна бозорга тушдим лекин яна ўша ҳол, бўш қайтдим. Яна ва яна. Кунлар ўта бошлади. Ислом лашкари



узоқлашарди. Тўқнашув соатлари ҳам яқинлашгандир. Мен эса ҳамон манзилимдаман. Тез тайёрланиб уларга етиб олгим, жанг майдонида жавлон ургим келар, бироқ менга бу ёзилмаган экан. Расулуллоҳ кетгандаридан сўнг кўчалар ва бозорларни кезарканман атрофимдаги кишиларни кўриб юрагим ёрилиб кетай дерди. Чунки менга учратаетган кишилар...

Ха мадинада оз бўлсада эркаклар бор эди. Мунофиқлиги аён кишилар. Ха! аней-маней эмас, ҳаммага маълум мунофиқлар. Мен уларга бир-бир кўз югуртираман... ие, ҳов анави киши-чи? У мунофиқ эмас-ку... Лекин у Аллоҳ рухсат берган заифлардан экан. Афсус.. Афсус..

Қаранг, бу улуғ саҳобий охир оқибат мунофиқлар орасида қолди. Қилиб қўйган битта гуноҳидан поклангунча анча имтиҳонлардан ўтди. Бу пайсалга солишнинг оқибати.

Азизларим..

Ўлим тўсатдан келиб, қаттиқ надомат чекишдан олдин бу чеки йўқ умидларни бас қилинг.

Эй ҳаром ишларни қилаётган кишилар ўлим эшик қоқиб турибди. Гуноҳларингиздан покланиб олишга шошилинг! Эртага деманг. Ҳаёлга берилманг, ҳақиқий тавба қилмоқчи бўлсангиз ҳозир унга киришинг.

Эй Қуръон ёдламоқчи бўлган киши бугундан бошланг. Ҳар куни 2-3 бет ёдлашга аҳд қилинг. Аҳдингизда қаттиқ бўлинг. Агар устидан чиқа олмай қолсангиз ўзингизни аямай жазоланг. Агар шундай қилмасангиз қуруқ сафсата сотиб ваъдалар тўқийидиган оддий



риёкорга айланиб қоласиз.

Муолажа услубларидан яна бири:

Динга тўла амал қилиш.

Илтизомдаги лоқайдликнинг кўринишларидан яна бири динга комил амал қилмай, баъзи нарсалар билан чекланишидир. Аллоҳ азза ва жалла айтади: **Эй мўминлар, тўла ҳолдаги исломга кириңгиз!** (Яъни, исломнинг баъзи ҳукмларига итоат қилиб, баъзиларига итоат қилмайдиган кимсалардан бўлмангиз)! **Ва шайтоннинг изидан эргашманглар! Шубҳасиз, у сизларнинг очиқ душманингиздир.** (Бақара сураси, 208- оят). Кўп мусулмонлар динга кирганларида кўзига чиройли кўринган нарсаларни маҳкам ушлайдилар. Бунинг сабаби нафс-ҳаво бўлиши мумкин. Нафс-ҳаво дунё ишларида бўлганидек ибодатларда ҳам бўлади. Зеро Довуд алайҳис саломнинг ҳавоси ибодат эди: **Эй Довуд, дарҳақиқат Биз сени ерда халифа қилдик. Бас сен** (нафс) **хоҳишига эргашиб кетмагин!** Акс ҳолда **у сени Аллоҳнинг йўлидан оздирур. Албатта Аллоҳ йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб-китоб кунини** (яъни Қиёматни) **унутиб қўйганлари сабабли қаттиқ азоб бордир..**

Динга тўла амал қилиш зарур. Мен сизни етук инсон ҳолда кўришни истайман. Рўзадор, намозхон, Аллоҳни кўп зикр қилувчи, Қуръонни доим тиловат қилиб юрувчи-обид, тиришқоқ толиби илм, ҳофизи Қуръон, ҳаётда – ўз таъсирини кўрсата оладига даражада кенг фикрли, атрофидаги кишиларга таъсир кўрсата оладиган, билимдон бўлишингизни истайман. Зеро, Аллоҳ таоло расули Ийсо алайҳис салом тилидан шундай ҳикоя қиласи: **Яна мени қаерда бўлсам, хайру-баракотли қилди ва модомики ҳаёт эканман, намозни**



Ислом Нури

(адо этишни) **ва закотни** (ато этишни) **амр қилди.** (Марям сураси, 31-оят).

Азизларим..

Бизга шундай кишилар керак. Шундай кишилар ер юзида ҳукмрон бўла олади. Аммо динни бўлакларга бўлиб: «буниси мағизи, буниси пўчоғи»- дейиш бидъат бўлиб тарафкашликни, парчаланишни келтирб чиқарди, холос.

Гоҳи ёшлар диннинг илмий томонини ушласалар бошқа томонга қарамайдилар. Биридан: «тунги намозни ўқийсизми»-деб сўрасангиз :илм талаби менинг тўла вақтимни олган бошқа ҳеч нарсага ошина олмайман»- дейди.

Бу нимаси?! Қани айтингчи қайси салаф олими илмни деб тоат-ибодат ёки даъватни ташлаб қўйибди.

Бошқа тоифа эса фақат даъват билан шуғулланишади. Одамларни даъват қилиб масжидга чорлайдилар. Бу яхши иш. Лекин илмсиз даъват қилиш дуруст эмас. Бундай киши диндан қайтиб кетиши мумкин. Чунки у динини тушуниб етмаган. Бир- икки марта уялганидан ёки қизиқиш сабабли масжидга келар. Хўш, кейинчи?

Яна бир тоифа на илм ва на даъват, фақатгина ибодат билан шуғулланадилар?! Буни қаердан олишди экан?!

Дин яхлитдир! Уни хоҳлаган жойидан олиб кетилавермайди: **Эй мўминлар, тўла ҳолдаги исломга кирингиз!** (Яъни, исломнинг баъзи ҳукмларига итоат қилиб, баъзиларига итоат қилмайдиган кимсалардан бўлмангиз)! **Ва шайтоннинг изидан эргашманглар!**



Ислом Нури

Шубҳасиз, у сизларнинг очик душманингиздир. (Бақара сураси, 208 – оят). Яъни ҳар томонлама яхлит дегани.

Куч-имкониятларингизни шу уч томонга илм , амал ва даъватга тенг тақсимлашингиз лозим. Агар вақтингиз шу уччаласидан ташқарида ўтаётган экан билингки сиз лоқайд кишисиз ва бу холингиздан ўзингиз масъулсиз. Бундан кутилиш учун тез тавба қилинг! Акс ҳолда сиз ўлимни қачон келишини билмайсиз-ку?!

Шу сўзларни бир биримизга эслатайлик! Нажот йўли шудир.

Муолажа услубларидан:

Ўлгунча сабитқадам бўлишга онт ичиш.

Илтизомга лоқайдлик сабабларидан дуч келган биринчи тўғаноқда ортга қайтиш. Биринчи шубҳада, биринчи шаҳватда тўхталади, иккиланади. Секин аста бундай тўхталишлар кўпаяди. Унинг ҳолига қарасангиз нафл ибодатларни тарқ қилаётган. Аста-секин жамоат намозларидан қолаётган бўлади. Олимлар сухбатига қатнашиш ҳам камая бошлайди.

Мултазима опа сингилларимизда бўладиган ҳолатлар: тўй куни хижоб-сатрни ташлаб, динсизлар урф қилган кийимларда тўйини ўтказади. - «Ахир тўйим-ку! Умримда бир марта бўлади, холос. Бир марта ҳеч нарса қилмас»?!

Ёки мултазим бўлмаган киши билан турмуш қуради. Шундай қилиб мултазим бўлмаган аёллар билан аралаша бошлайди. Телевизор кўради. Эркакаларга аралашиб юриш ҳам оддий ҳолга айланади. Ана ундан кейин... Бу кунларга тушиб қолишдан Аллоҳ сақласин!



Азизларим..

“Мифтоху дорис-саода” китобида Ибнул Қоййим ўз устози ибн Таймиянинг сўзларини келтиради: «шубҳалар, нотўғри кечинмалар қаршисида қалбингиз паҳтадай бўлмасин ҳамма келган шубҳаларни симириб олмасин, балки силлиқ кўзгудек бўлсинки ҳар қандай шубҳани устидан юқтирмай ўтказсин, тиниқлиги билан кўра билсин, салобати билан ўзидан даф қилсин. Агар шундай қилмасангиз қалбингиз ҳар етган шубҳани ўзига олавериб шубҳалар маконига айланиб қолади!». Бу сўзлар мен учун шубҳалардан эҳтиёт бўлишда энг фойдали васият бўлганди.

Азиз дўстим, сиз ҳам шу йўлни тутинг. Бардам бўлинг. Аллоҳ азза ва жалла айтади: **Бас** (эй Муҳаммад), **сабр-тоқат қилинг! Шак-шубҳасиз Аллоҳнинг** (сизни ва умматларингизни коғир қавм устига ғолиб қилиш ҳақидаги) **ваъдаси ҳақдир.** (Охиратга) **ишонмайдиган кимсалар сизни ҳаргиз бетоқат қилмасинлар.** (Рум сураси, 60-оят).

Ҳар қандай шубҳа таъсир қилаверадиган киши ишончи йўқ киши. Илмли, ишончли кишилар событқадам бўладилар. Шунинг учун ҳам сизга айтаман шубҳалар олдида тўхталманг. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам насиҳатини олинг: «ким шубҳалардан сақланса динини ҳам, обрусини ҳам тоза ушлабди».

Ҳар бир шубҳага, ҳар қандай ўтган кетганга қарай берманг. Мисол учун: янги илтизомга кирган киши соқолини қўйса дарров бир насиҳатгўй пайдо бўладида: «бу нимаси? Соқол фарзмидики? Буни ўзи суннат ёки шунчаки одат эканлигини фарқламайсанми? Билмайсанми? Мен ўзим эшитганман ана ишонмасанг бориб сўра



фалончи ундај деган, пистончи бундай деган».

Яхши илм олмаган енгилтак киши дарров шубҳалана бошлайди. Биринчи зарбадаёқ таслим бўлади. Бу ихлоссизлик-ишончсизлик демакдир. Иймонга тааллуқли ҳамма муаммоларни негизи шу иккисида. Шуниг учун доимо чақириб келамиз: азизлар аввал ўрганинг, кейин амал қилинг, ана ундан кейин даъват қилинг.

Аллоҳ айтади: **Аср (вакти)га қасамки, (барча) инсон зиён-баҳтсизликдадир. Фақат иймон келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига Ҳақ (йўли)ни тавсия этган ва бир-бирларига** (мана шу Ҳақ йўлида) **сабр-тоқат қилишни тавсия этган зотларгина** (нажот топувчидирлар). (Аср сураси).

Кўпинча ботил сўзлар ёйилиб, дин душманлари ҳар хил шубҳаларни тарқатишса баъзи мултазимлар нима қилишини билмай довдираб қолишганини кўриб ачиниб кетаман.

-Нима қилай?- сўрайди улар. Бунга қандай жавоб берайлик? Бу сўровлар яхши, лекин сиз қачон оёққа турасиз? Аллоҳни қачон англайсиз? Қачон сизга шубҳалар тасир қилмайдиган бўлади?!

Сизнинг бу ҳолингиз лоқайдлик, сустликка олиб боради. Бундай шахсият билан ерда ҳукмронлик қила олмайсиз. Шунинг учун ҳам событқадам бўлинг. Ҳар қандай бўрон-довулда ҳам қимиirlамайдиган илдизи мустаҳкам бўлайлик. Мағлуб бўлмайлик.

Мисол учун: эрта ишга борадиган киши бомдод намозига бир-бир ухлаб қолади. Кейин секин-аста чекина бошлайди. Ҳатто соатни иш вактига белгилаб қўядиган бўлади. Намозни унитади. Мен буни



намозни қасдан тарк қилиш бўлишидан қўрқаман. Бу Аллоҳ сақласин ширкка олиб бориши мумкин.

Аллоҳнинг ёзганига иймон келтириング, Аллоҳ раззоқ эканини билинг. Ҳар хил бўронлар турганда Аллоҳнинг борлиқдаги қонунларини билиб Аллоҳ иРОДА қилган иш рўёбга чиққунча ҳар қандай балога сабрли бўлинг.

Баъзи биродарлар озгина зулм кўрса оҳ-воҳга тушади. Бошқаларга дунё эшиклари қиялаб қолса дарров босар-тусарини билмай қолишади. Динда сабит бўлиш дегани қани? Роббил оламийн шариатига тўла амал қилиш қани?

Азизларим..

Озгина шубҳа ёки дуч келган шаҳват сабабли илтизомни ташлаётган кишилар катта ишларга ҳеч қачон чидай олмайдилар. Уларнинг руҳияти шунаقا паст. Йиқилиш, мағлубиятга мосланиб қолишган.

Бунинг давоси борми?

Ҳа бор у – ишонч, ҳаёт охиригача сабитқадамлик, мустаҳкам ва тўғри этиқод, илм , амал ва даъватда тўғри йўл тутиш. Бунинг ҳаммасига сабр керак. Аллоҳга ихлос билан суюниши лозим.

Муолажа усулларидан яна бир:

Кўп шикоят қилмаслик, ва муаммоларни катталаштирмаслик.

Гоҳи одамлар бор, уларга қачон қараманг шикоят қилгани қилган, ҳеч рози бўлмайди. Сичқондан фил ясади. Асли бунинг сабаби



бекорчилик, бепарволик.

Яна бошқа киши қачон қараманг ўзини доим оқлади. Ҳеч бир айни бўйнига олишни истамайди. Баҳоналар, бировга тиркашларнинг кўплигидан сўрамай қўяқолинг.

Яна бир тоифа илтизомга киргач даъватчиларга юк бўлиб оладилар. «Мен сизларни айтганингларни қилдим, қани энди менинг муаммоларимни ҳал қилиб беринглар»- дегандай. Нима сиз илтизомга фалончи ёки пистончи учун кирганмисиз? Ёки Аллоҳ учунми?

Агар Аллоҳ учун кирган бўлсангиз: » Сўрасанг Аллоҳдан сўрагин, суянсанг Аллоҳга суюн»- ҳадисига амал қилишни одат қилинг. Ҳадеб шикоят қилверманг, Аллоҳнинг ёзган тақдиридан норози бўлишдан эҳтиёт бўлинг. Аллоҳга юзланишни ўрганинг. Аллоҳдан бошқага суянманг. Зеро Аллоҳгина сизнинг бошингизга тушган балони даф қила олади: **Албатта Аллоҳ иймон келтирган зотларни мудофаа қилур. Албатта Аллоҳ барча хоин ва куфрони неъмат қилувчиларни сўймас.** (Ҳаж сураси, 38-оят).

Кўп шикоят, ўзини оқлайверишлиқ, баҳоналар топиш ортга чекинишга олиб келиши аниқ. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тилло билан баҳолаб бўлмас бу насиҳатлари қулоғингизда бўлсин: » Аллоҳга суюнинг, ожиз бўлманг. Билингки ҳамма халқлар тўпланишиб сизга фойда келтиришни истаса Аллоҳ сизга ёзганини келтиришдан у ёғига ўтмайдилар. Агар сизга зарар бермоқчи бўлсалар Аллоҳ ёзганидан ўта олмайдилар. Қаламлар қўйилган, саҳифалар сиёҳи қуригандир.»



Сўнги насиҳат

Суҳбатимиз сўнгида сизлардан жиддий савол сўрайман. Саволимга ҳар бирингиз очиқ жавоб беришингизни умид қиласан.

Сизлар ҳақиқатда ҳам ўзларингизни ўзгартиromoқчимисиз? Буни нима билан исбот қиласизлар?

Аввалда айтаганимиздек қалбинкларга қулоқ солинглар. Илм, амал ва даъватда аниқ-равшан йўлни танлаб, шу йўлдан адашмай илдам бориш. Буларни қилишга тайёрмисиз? Ундай бўлса кечиктирмай, ҳозирданоқ ишга киришинг.

Ўзингизга айтинг: «мен қачондан бери мултазимман ва шу вақт ичида Аллоҳ дини учун нима қилдим»?!

Мен Аллоҳ учун иш қиласанми, ёки ўзим учун?!

Ниятингизни текширганингиздан сўнг жиддий бўлинг, ноумид бўлманг, бўшашманг. Балки муолажага интилинг. Қизиқиб турган вақтларингизда ибодатларни кўп-кўп қилиб олинг. Қуйидаги тарбиявий услуг асосида иш бошланг:

Ҳар куни Қуръон ёд олинг. Ўн оят бўлса ҳам майли. Тиловат қоидаларини билмасангиз ўзингизга устоз топинг. Агар яхши билсангиз унга амал қилинг. Аллоҳнинг уйи бўлмиш масжидларда илм ўрганинг ва ўргатинг. Масжидларда Қуръонни тиловат қилиш ва ўрганиш учун тўпланган кишиларни малоикалар ўраб турадилар, сакина тушади ва Аллоҳ ўз даргоҳидагиларга ўша кишиларни мақтайди.



Тонги ва кечки дуо-зикрларга маҳкам бўлинг. Истиғфор, тасбех ва таҳлилларни кўп айтинг.

Хафталик дарсларга қатнашинг ва доим ҳозир бўлинг.

Кечқурунда албатта бир вақт ажратинг. Бошланишда енгил икки ракаатдан намоз ўқишни бошланг. Аста секин ошира боринг. Шайтон ҳеч қачон сизни бу вазифангиздан машғул қилиб қўймасин. Агар Қуръондан оз ёдлаган бўлсангиз қўлингизда Қуръонни тутиб, унга қараб ўқинг. Шуни одат қилсангиз Қуръонни ёдлашингиз ҳам осон бўлади. Ёддан Қуръон ўқишнинг ўзига хос фойдалари бор.

Бомдод намозидан кейин қуёш чиққунча масжидда ўтиринг, ишроқ намозини адо қилсангиз сизга ўша куни тўла, тўла, тўла ҳаж ва умра савоби ёзилади.

Агар буни уддасидан чиқа олмасангиз шом билан хуфтон намозлари ўртасида масжиддан кетмай ўтиринг. Бу энг катта каффоротлардан. Хатолар ювилиб, даражотлар кўтарилишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб аста секин тоат-ибодатларни кўпайтириб боринг. Бу билан ўзингизга қўрғон қилган бўласиз.

Агар шунча гап бефойда бўлган бўлса, ўзингизда Аллоҳ йўлида ҳаракат қилишга куч-куват, рағбат топмаган бўлсангиз билингки сизнинг қалбингиз ўлиб бўлган. Аллоҳдан қалбингизни тирилтиришини сўранг.

Азизларим..

Салаф солиҳинлар ҳаётига назар солинг. Улар Аллоҳ тоатига паҳлавон



эдилар, пайсалга солиш, дангасалик ва баҳоналарни билмасдилар.

Ибнүл Қоййимнинг дурга тенг сўзларини тинланг: «тун қоронғулиги борлиқни қоплагач уйқу ва бедорлик ўртасида жанг бошланади. Завқушавқ ва Аллоҳдан қўрқиши бедорлик лашкари олдида боради.

Дангасалик ва пайсалага солиш ғафлат лашкаридан ўрин олади. Ботирлар ишонч билан қилич силтаганларида танбаллик ва уйқу қўшинлари чилпарчин бўлади. Ғалаба муҳаққақ бўлди. Тонг отгунча ғаниматлар ҳам бўлинди. Уйқудагилар ҳеч нарсадан бехабар, ғафлат чойшабларида бурканиб ётардилар».

Аллоҳнинг розилигига интилишингиз борми? Қалбингиз титраши қани? Сиз уни узоқ вақт тарбиясиз ташлаб қўймадингизми? Шу кетишда бўлсангиз Аллоҳ сақласин даҳшатли хотимага йўлиқиб қолманг. Нима учун ғафлат исканжасидан чиқа олмаябсиз? Ёки дангасалар подшоҳи бўлмоқчимисиз?

Ҳамма биродарларимизни ҳаётларида доимий жиддий бўлишларини истаймиз. Жиддийлик ташқи қиёфаларидан билинсин. Фикрларидан билинсин. Энг катта ғамлари дин хизмати бўлсин. Кейин бошқа ғамларга жой берсин. Аллоҳ динидан ҳеч нарса устун бўлмасин.

Имом Бухорий сахихларини варақлаймиз: Асвад ибн Язид ан Нахаъий Оиша разияллоҳу анҳодан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйида бўлган чоғларида нима билан машғул бўлганлари ҳақида сўрадилар.

Оиша разияллоҳу анҳо жавоб бердилар: -«оилаларига ёрдам берар, уларнинг ишларини қилиб берардилар, намоз вақти бўлса масжидга чиқардилар».



Сиз ўзингизни шунга қиёс қилинг. Намозга шошилинг деган нидони эшитсангиз, ёки яхши амалга, ёки фойдали дарсга, Аллоҳ йўлида садақага чақириқ бўлса сиз қандай ҳолда бўласиз?

Эй мўминлар, сизларга нима бўлдики, Аллоҳ йўлида (жиҳодга) **чиқинглар, дейилса, ўз ерингизга** (яъни, юртингизга) **ёпишиб олдингиз?! Охират** (неъматлари)дан юз ўгириб, ҳаёти дунё (лаззатлари)га рози бўлурмисиз?! **Охират олдида бу дунё матоси жуда оз нарса-ку?!** Агар (жиҳодга) чиқмасангизлар, (Аллоҳ) **сизларни аламли азоб билан азоблар ва ўрнингизга бошқа бир қавмни келтирур.** Сизлар эса У зотга бирон зиён етказа олмайсиз. Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир. (Тавба сураси, 38-39-оятлар).

Азизларим..

Агар сизлардан ҳар бирингиз қизиқишлигинизни қофозга ёзиб беришингизни талаб қилсан у вараклар менинг қўлимга келганида ўқиб бера олмаган бўлардим. Чунки, арзимас, аҳамиятсиз нарсалар мияларимизни машғул қилиб олиб Аллоҳ билан ўртамизни тўсаябди. Аллоҳ ҳамма нарсаларни билувчи, қалб қўрини ўқувчи деб биламизу лекин уялмаймиз. Ҳаё кўтарилган. Вала ҳавла ва ла куввата илла биллаҳи.

Аллоҳдан уялмайсизми?! Улуғ, буюк зотдан қўрқиб қалбингиз титрамайдими? Агар одамлар бир-бирларини қалбидаги нарсаларни била олганларида ҳамма ҳижолатда қолган бўларди. Нима учун одамлардан уяласиз-у, сизни кўриб, билиб турган Аллоҳдан уялмайсиз?



Дўстим, ҳозирдан бошланг, ўй-фикрларингизни текширинг!
Ёмонларидан тозаланг. Иштиёқларингизни жиддий нарсаларга
боғланг.

Қизиқ, бизлар ўлгунча ўй-ҳаёл билан ўтамиш-а! Одамлар орасидаги ҳолимизни, «мен ҳақимда нима деб, нима ўйлашаябди экан»- деб ўйланаверамиз. Ҳолбуки, одамларнинг биз билан умуман иши бўлмаслиги ҳам мумкин. Агар Аллоҳ билан ўртамишни чиройли қилсак эди, бу ғамларга ўрин қолмасди. Эй Faффор сенинг олдингда мени нима кутмоқда? Ҳузурингда мени номим қандай? Шулар билан машғул бўлинг! Аллоҳ ўзи одамлар орасида сизни севимли қилиб қўяди.

Баъзиларда руҳий муаммолар бўлади. Дардларини тингласангиз бу муаммо ўта арзимас, оддий нарсалар бўлиб чиқади. Бу ҳимматсиз, дангаса одамларнинг касали. Олийҳимматлар бундай арзимас нарсаларга қиё боқмайдилар. Агар қиё боқганида олийҳиммат бўла олмасди.

Олийҳимматлар, вазифаларини жиддий бажараётган кишилар бошқа иш билан машғуллар- Куръон ёдлаш билан, Аллоҳга даъват қилиш билан, «қалбимни қандай ўнгласам»- деган ўй билан. Улар Аллоҳни рози қиласиган саждага муштоқ, иймон ҳаловатини тотадиган ҳолда тасбеҳлар айтиш ғамидалар. Мана Аллоҳнинг солиҳ бандаларининг ҳоли. Сиз айтингчи қайси кишилардан бўлишни истардингиз?!

Азизларим..

Неча йилдан бери мултазимсиз? Шунча йил ичida нима ишлар қилдингиз? Иймон ҳаловатини тотдингизми? Қалбингиз иймон боғларини сайр этганда ҳақиқий баҳт кечинмаларини туйдингизми?



Ислом Нури

Ўйларида катта ва гўзал хомчаёлларни қуриб, уни чиройли қўрғонлар билан ўраб, ўзининг пуч ёнғоғига ишониб, хаётини шунга бағишлаб ўтказаётган инсонлар холигавой!

Мени хавотирга солган нарса сиздаги мен кўриб турган диндорлик ҳам шундай хомчаёллик бўлмасайди. Қани мендан бу хавотирни кўтаришга ёрдам беринг! Ўзингизни кўрсатинг!

Демак, сизнинг вазифаларингиз қуидаги: сиз ҳақиқий диндормисиз? Тилингиздан зикр тушмаябдими? Тоат-ибодатларни озгина ташласангиз қалбингиз ёлғизлик ҳис қиласядими? Бу сифатлар тоатга бўлган соғинч хисси. Шу холдагина: «намоз қон томирларимда юрибди, Куръон тиловатини тарк қила олмайман»- дея оласиз. Ана шундагина Исломни ҳаётингизда хис қиласиз, чунки Ислом сизда яшаётган бўлади.

Жиддийлик - вақтнинг мўллигидан билинади. Кўп кишилар вақтлариниг камлигидан шикоят қилишади. Бу ҳам лоқайдликдан. Сергакликни Ибнул Қойим шундай таърифлайди: Сергаклик-қалбнинг ғофиллар караҳтлигидан огоҳ туриши лаззатин сезиб нотинчланишидир. Сергаклик уч даража бўлур:

-Неъматлар камлигини санашдан кўра неъматнинг ҳар қандайига рози бўлиш, қадрини билиш, келадиган миннатни билиши, нонкўрлик натижаси нима бўлишини билиши.

-Гуноҳлар занжиридан кутулишга интилиш, покланишга шошилиш, кейин тавба қилиб событ қолиш.

-Ўтаётган кунларни хис қилабилиш, келажагининг ғамини еб,



Ислом Нури

камчилигини ўнглаб, улгурмаганини тўлдиришdir».

Бизга шу жойи керак. Ҳа, ҳақиқий мултазим жоҳилият кунларини кўмган, жиддийлик енгини шимариб, қолган умридан фойдаланишни кўзлаган кишидир.

Хаётдаги Аллоҳнинг қонуни шундай: ҳар кун ўтгангисидан ёмон бўлади. Илтизомга олийгоҳда ўқиётганда кирган киши ўрта мактабда бекор ўтказган кунларига ачинса, олийгоҳни тамомлаган ҳам талабалик кунларига, уйланган киши эса бўйдоқлик кунларини бефойда ўтказганига афсус чекади.

Ўтган кун қайтмайди. Бунинг тасдиғини имом Бухорийнинг Саҳиҳидаги Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ҳадисидан топишингиз мумкин: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «бирор кун йўқки келгуси кун ундан ёмонроқ бўлади. Бу ҳол Роббингларга юзма-юз бўлгунингларча давом этади».

Вақтингизни идора қилишда жиддий бўлинг! Эртага сизга фойдаси бўлмайдиган нарсага вақтингизни сарфламанг! Сиз ҳар нафасингизга жавоб берасиз.

Имом ибн Ақиийл Ҳанбалий айтарканлар: «мен умримдан бирор лаҳзасини зое қилишни ўзимга ҳаром деб биламан. Мен ё ёзаман, ёки ўқийман, ёки изланаман, ёки ёдлайман, ёки намоз билан машғул бўламан, ёки зикр қиласман, ёки ёдлаганларимни қайтараман. Агар чарчасам ёнбошлаб масалалар уммонига шўнғииман. Агар бирор масалага чиройли ечим чиқиб қолса, дарров туриб қофозга тиркаб қўяман».



Имом Абу Ҳанифа ҳаётларининг охирги лаҳзаларида кўргани келган шогирдларига қарата: «қани кимда янги масала бор?»- деб хитоб қилдилар. Шогирдлари: «шу ҳолингизда ҳам илм масалаларини қўймайсизми?»- деганларида -«Мумкин баҳсимиз туфайли бирор киши нажот топар»- деган эканлар.

Бўш қолмасликнинг иложи бор. Қуръон ўқинг, илмий китоб мutoала қилинг, фойдали кассета эшитинг, устоз зиёратига отланинг, кутубхоналарга боринг, даъватчини зиёрат қилинг.

Дўстларим ..

Сўнгги насиҳатим: Ҳазил-мазаҳни камайтиринг.

Бугунги кунимизда кўп кулги, ҳазил-мутойиба ёшларнинг одатига айланди. Озгина ҳазил зиён қилмайди. Одоб доирасидан чиқмайдиган кулгига ҳам руҳсат. Лекин ҳаддан ошиш мақбул эмас. Ҳатто баъзи ёшлар энг жиддий ҳолатларни ҳам ҳазил-мутойибага айлантиради. Агар шундай қилмаса дўстлари уни кўнгли қаттиқ, тунд деб аташидан қўрқади.

Эҳ! Афсуслар бўлсинки биз хор, ҳўр бўлатуриб гўё тарихда такрорланмас кулги замонасида яшаётгандек ҳазил-мутойиба қилмиз, асқия қиласиз. Ҳатто бизнинг замонамида кулги клублари, соатлаб давом этадиган асқия намойишлари пайдо бўлди. Ҳаммамиз бунга гувоҳ бўлиб турибмиз. Янада ёмон томони бу ҳазиллар, асқиялар ҳаммаси йўлғон гаплар, таги йўқ воқеалар асосида бўлади.

Эй Ислом ёшлари қани жиддийлик?!

Шарқу-фарбга назар солиб, мусулмонлар ҳолини ўйлаган кишининг



ҳоли бундай бўлиши мумкин эмас.

Абуд Дардо айтаган эканлар: «мен уч нарсадан кулдим ва яна уч нарсага йиғладим: ... Аллоҳ розилигига етишган ё етишмаганини ўйламай оғзини тўлдириб кулаётган кишини кўриб йиғладим»!

Сўзимизнинг охирида Буюк ва Улуг Аллоҳдан бу рисоламиз мусулмонларни тўғри йўлга қайтишларига туртки бўлишини, устларидаги ғуборларни қоқиб, дин нусрати учун ёнма-ён, бир сафда ҳаракат қилишимизга сабаб бўлишини сўраймиз.

Ҳар қандай хато адашишлиқ, ёддан кўтарилган нарсалар мен ва шайтон сабабли. Аллоҳдан сизларга эслатма бериб, ўзим унутишимдан паноҳ сўрайман. Эй Роббим сўзларимизни бизга фойдали ҳужжат қилгин, зааримизга ҳужжат бўлишидан сақлагин. Қалбимизни собит қилгин. Ҳаммамизга раҳматларингни ёғдиргин! Зеро сен энг раҳимли зотсан.

Бу рисоланинг асли муҳтарам Муҳаммад Ҳусайн Яъқуб сўзлаган маъруза эди.

10/07/2009